ИЛТИЗОМ САНЪАТИ

Н. АФОҚОВА

В статье рассматривается риторическая фигура «илтизом», её сущность и особенности, место и роль в классической узбекской поэзии.

Rhetorical figure “iltizom”, its essence and pecularities, place and role in classical uzbek poetry is considered in this article.

Бадиий асар матнидаги ҳар бир сўз кенг маънода **тасвир воситаси**, яъни ҳаётни бадиий қайта гавдалантиришнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда **тасвирнинг махсус воситалари** ҳам борки, улар сўзнинг маъно ва шакл қаватларида ётган имкониятларнинг, тилдаги синтактик имкониятларнинг, ижодкор тасаввури имкониятларининг воқеланиши натижасида пайдо бўлади. Бадиий тасвирнинг махсус воситалари “сўз ўйинлари”, “бадиий санъатлар”, “стилистик фигуралар”, “кўчимлар” деб ҳам юритилади.

Сўз тасвир воситаси сифатида бадиий адабиётда бирламчи образлилик ***(ҳаёт воқеа-ҳодисаларини умумлаштирилган ва индивидуаллаштирилган, ижодкор идеали асосида қайта ишланган, эстетик завқ уйғотадиган таъсирчан образлар орқали акс эттириш)***ни, махсус тасвир воситаси сифатида иккиламчи – лисоний образлиликни [1;58] юзага келтиради. Иккиламчи образлилик фақат сўз санъатига хос бўлмасдан, тилнинг бошқа деярли барча услубларида истифода этилади. Махсус тасвир воситаларининг бошқа услубларда ҳам учраши бизни, дейлик, “илмий ёки публицистик асарлар ҳам бадиий тафаккур намунасидир”, деган янглиш хулосага олиб келмаслиги керак. Чунончи, профессор Баҳодир Каримнинг адабий танқидга оид, яъни илм соҳасида ёзилган “Роман ичидаги замон” мақоласида қуйидагиларни ўқиймиз: ***“Начора, бандаи ожизлигимиз ва кўпгина жаҳон миқёсидаги алжирашларни ҳали ҳам тузукроқ англай олмаганимиз боис “Ўткан кунлар”имиз жозибасидан узоқлаша билмай турибмиз”*** [2;23]. Иқтибосда ажратиб кўрсатилган биринчи ўринда истиора, иккинчи ўринда метонимия усулидаги кўчим қўлланган. Аммо мана шу лисоний, яъни иккиламчи образлиликка асосланиб биз бу мақолани бадиий тафаккур намунаси дея олмаймиз. Бадиий адабиётнинг санъат тури сифатидаги спецификаси ҳаётни илмий тафаккурдаги сингари физик образларда эмас, балки умумлаштирилган образларда акс эттиришдан иборат эканлиги бундан уч минг йиллар олдин машҳур юнон мутафаккири Аристотель томонидан асослаб берилган. Шунга кўра, таъкидлаш ортиқча эмас: бадиий тафаккурнинг муҳим жиҳати, истисносиз биринчи ва асосий шарти – бирламчи образлиликдир.

Махсус бадиий тасвир воситаларининг бир қанча хиллари аниқланган бўлиб, ҳар бир ижодкор уларни ўз услуби кўра, ўз имкониятлари доирасида воқелантиради. Илтизом ҳам ана шундай махсус усуллардан биридир.

Илтизом – арабча сўз (التذام) бўлиб, “мажбурият, бирор ишни бажаришни ўз устига олиш” [3;271]. деган маънони билдиради. Терминологик маънода эса шеърнинг ҳар бир мисра ёки байтида, шунингдек, катта шеърий асарнинг маълум бир парчасида муайян сўзни такрорлаш демак. Албатта, сўз санъаткори бадиий матндаги ҳар қандай сўзни эмас – зеро, маълум мақсадга йўналтирилмаган такрор айб, камчилик ҳисобланади – балки мантиқий урғу олган, ўзида асар ғоясини мужассам этган сўз ёки бирикманигина аниқ бир мақсад билан такрор-такрор ишлатади. Радиф моҳиятан илтизомга яқин бўлса ҳам, илтизом ҳисобланмайди, у – алоҳида поэтик ҳодиса; шунингдек, мустақил лексик маъно ифодаламайдиган сўзларнинг такрори ҳам илтизом эмас.

Алишер Навоий бу усулни фардларидан тортиб достонларигача муваффақият билан қўллаган, аммо илтизом нисбатан каттароқ ҳажмли асарларда яққолроқ кўринишини ҳисобга олиб, шоирнинг қитъаларидан бирига мурожаат қиламиз [4]. Шоир тўрт мисрали қитъа сарлавҳасида “ошнолиғ” ва “ошно” сўзларини ишлатади ва шунга мувофиқ дастлабки икки мисрада “ошно” сўзини, кейинги икки мисрада “ошнолиғ” сўзини такрорлаш орқали ўз замонида дўстлик, дўстга садоқат одатининг буткул барҳам топганлигидан ранжийди:

Менки ўлдум даҳр элига ошнолиғ ранжидин,
Қилмагаймен ошнолиғ, гар Масиҳ ўлсун яно.

Ошнолардин, тилармен, айласам бегоналиғ,
Қайда мумкин бўлмағим бегоналарга ошно?
[5;517]

Лирик қаҳрамон ҳалок бўлган, бунинг сабаби – дунё одамлари билан дўстлик ришталарини боғлаб,

оқибатда улардан улуғ вафосизликлар кўргани. У шу даражада дилзадаки, башарти, дўстига бевафолик қилиб, уни ҳалокатга маҳкум этса-да, яна қайта жон ато этиш имкониятига эга бўлган оламдаги ягона инсон – Исо билан ҳам ошно тутинишга юрак қилмайди! Янгидан бегона бир киши билан дўст тутиниш нарёқда турсин, ҳатто бор дўстлардан ҳам ўзини четга олиш хаёлида, чунки улардан ҳам бевафолик кўриш жавридан эмин эмас! Шоир муайян руҳий ҳолат – ошнолик, дўстлик билан боғлиқ изтиробни ифода этиш; айни пайтда инкор орқали вафодорликни улуғлаш мажбуриятини такрор қўлланган "ошно" ва "ошнолиғ" сўзлари зиммасига юклаган.

Шоирнинг бир қанча ғазалларида ҳам илтизом муваффақият билан қўлланган. "Жоним ороми учун қосидки, жонондин келур" деб бошланувчи 7 байтли тасаввуфий ғазалда "жон" сўзи 7 марта *(Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Т., 1988. – 132-133-б.)*, худди шу руҳ ва ҳажмдаги яна бир ғазалда эса "жон" сўзи 17 марта, "жонон" сўзи 17 марта ишлатилган! Кейинги ғазалдан парча келтирамиз:

Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур,
Бу жиҳаттин бир-бириси бирла жоножон эрур.

Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,
Жон эрур жонон эмас, ё жон эмас жонон эрур.

Бўлса жонон бордурур жон ҳам, чу жонон қилди азм,
Жон кетиб жонон била, жондин манга ҳижрон эрур.

Жон манга жонон учундир, йўққи жонон жон учун,
Умр жононсиз қатиқ, жонсиз вале осон эрур.
[5; *149-150*]

Шоирнинг муддаоси ғазалдаги тасаввуфий мазмунни мазкур икки сўз орқали кучайтириш, ирфонининг марказида айнан жон ва жонон тушунчалари турганлигини, ваҳдатни таъкидлашдир [6; 92-98]

Сўзни илоҳий туҳфа деб англаган, Сўз қудратини ҳадди аълосида намойиш эта олган улуғ шоир илтизомни бошқа достонлари сирасида "Лайли ва Мажнун"да – Мажнуннинг Каъба зиёрати саҳнасида ҳам юксак маҳорат билан қўллаган. У 43 байтлик муножотнинг кетма-кет келган дастлабки 18 байтида "ишқ" сўзини 19 марта такрорлайди. Муножот композицияси жуда пухта шакллантирилган: мана шу такрорлардан кейин китобат усули воситасида Аллоҳдан ишқ(عشق)ни унинг бутун жисму кўнглига пайванд қилиш сўралади, шу тариқа "ишқ" сўзининг такрорига – илтизомга шартли маънода якун ясалади:

Бўйним аро "айн"ин айлагил тавқ,
"Шин" қил ичимга шуълаи шавқ.

"Қоф"ин манга айла кўҳи андуҳ,
Кўнглимга ғамини кўҳ то кўҳ.

Уч нуқтасини шарора айла,
Иккисини икки хора айла. [7;145]

"Лайли ва Мажнун"нинг "Хамса" достонлари ичида илоҳий ва инсоний ишқ мавзуидаги энг оташин, энг жозибали, пафоси юксак асар эканлиги, мазкур муножот эса мана шу ўтли ишқноманинг кульминацияси эканлиги барчага маълум бўлганидан, шоир "ишқ" сўзини нима учун достоннинг айнан мана шу парчасида такрор-такрор қўллаганлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат ҳам қолмайди.

Юқоридаги мисолларнинг барчаси илтизом Алишер Навоий услубидаги тасодифий, ўткинчи ҳодиса ёки шунчаки ўз-ўзини формал жиҳатдан имтиҳон қилишдан иборат юзаки ҳодиса бўлмай, аниқ мақсадга йўналтирилган чуқур мазмунга эга эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Олимов М. Ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Т., 1994
2. Карим Б. Қодирий қадри. – Т., 2003
3. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Т., 1973
4. Ғаниева А. Ҳижроннинг суврати. – ЎзАС, 2009 йил, 20 февраль
5. Навоий А. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Т., 1990
6. Комилов Н. Жон ва жонон можароси // Навоий А. Ғазаллар. Шарҳлар. – Т.,1991
7. Навоий А. МАТ. 20 томлик. 9-том.- Т.,1991

Бухоро давлат университети,
2010 йил 15 апрелда қабул қилинган.